УДК 371.383

ЗАМОНАВИЙ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТ ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

А.А. Абдуллаева

Мақола ёшларда янгича тафаккур тарзини шакллантириш, тарихий тафаккур юритишга, бугунги ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш ва тарих хатоларидан тўғри хулоса чиқара олишга ўргатишнинг педагогик жиҳатларини ривожлантириш муаммоларига бағишланган. Олий таълим муассасалари талабаларида тарихий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган дидактик вазиятлар мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари ва методлари, педагогик-психологик имкониятларини такомиллаштириш масаласи таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *тарихий тафаккур, тарихий хотира, дидактик таъминот ташаббускорлик, лидерлик, креатив ва янгича фикрлаш.*

В статье посвящена проблемам молодежи мыслить исторически, чтобы формировать новый образ мышления, понимать смысл сегодняшней жизни, учиться делать правильные выводы из ошибок истории, а также развивать педагогические аспекты воспитания. Это объясняется совершенствованием содержания, форм, средств, приемов и приемов дидактических ситуаций, направленных на развитие исторического мышления у студентов организаций высшего образования, а также совершенствованием педагогических и психологических возможностей.

***Ключевые слова**: историческое мышление, историческая память, инициатива, лидерство, креативно-инновационное мышление, глобализация.*

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар, инновацион ўзгаришлар, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим сифат ва самарадорлигини ошириш йўлида таълим-тарбия жараёни иштирокчилари учун зарурий ҳамда етарли шарт-шароитларни яратиб берилиши олий ўқув юртлари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларига ҳам ўзига хос катта масъулият юклайди.

Янги Ўзбекистон таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабларига мос келувчи малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда Учинчи Ренессанс ғоясини амалга оширадиган янги авлодни вояга этказиш мақсадида катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Педагогика олий ўқув юртлари олдига касбий ва кундалик фаолиятда ижодий маҳорат кўрсатишга қодир бўлган креатив компетенцияга эга ёшларни тайёрлаш Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевордир, десак, айни ҳақиқат бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас” [1. Б. 9].

Дунё бўйича ёшларда тарихий тафаккурни шакллантириш стратегияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган олий таълим тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Тарихий тафаккурнинг ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи куч экани, жамиятда уни шакллантириш зарурлиги жуда қадим замонлардаёқ англаб етилган. Асрлар давомида афсона ва ривоятларда, эртак ва достонларда мадҳ этилган халқ қаҳрамонлари ҳар бир ёш авлод учун ибрат намунаси бўлиб келган. Тарихий тафаккурни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш хам дунёнинг деярлик барча минтақаларида ижтимоий-гуманитар фанларнинг турли вакиллари томонидан амалга оширилган ва бу тадқиқотлар давом этмоқда.

Касбий тайёрлашнинг олий таълим босқичида тарихий тафаккурни бўлажак педагог учун зарур бўлган назарий ва методик ҳамда амалий йўналтирилган асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Материал ва методлар

Бугунги кунда олий ўқув юртлари талабаларида тарихий тафаккурни ривожлантириш муаммоси бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада замонавий дидактик таъминот воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари ўрганиб чиқилди. Муаммони ўрганишда тарихий бадиий асарлардан фойдаланиш орқали бўлажак ўқитувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг услубий ёндашувлари, тамойиллари, мезонлари ва босқичлари таянч концепция вазифасини бажарди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Замонавий шароитда олий таълим муассасаси битирувчиларининг кўпмиллатли ва кўп маданиятли муҳитда яшашга, турли маданият эгалари билан касбий ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, маданий, этник қадриятлар ва фарқларни тўғри идрок этишга ўргатиш илм-фаннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бундай вазиятда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ижтимоий тенденцияларни таҳлил қилиш ва рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда талабаларни ўқитиш маҳоратини шакллантириш учун зарур бўлган муайян қадриятлар ва тарихий тафаккур тизимига эга шахсни шакллантириш долзарб вазифа сифатида юзага чиқади. Бинобарин, тарих билан боғлиқ фанларни ўрганиш жараёнида олий ўқув юртлари талабаларида тарихий тафаккурни ривожлантириш орқали уларда юксак маънавият ва ахлоқ, ватанпарварлик, ўз Ватани, ўз халқи ва тарихий ўтмиши билан фахрланиш [2. Б. 4] туйғуларини шакллантириш зарур.

Тафаккур дастлаб психологик билимлар даражасида ўрганилган бўлса-да, кейинчалик бир қатор фанларнинг тадқиқот предметига айланиб улгурган. Шунинг учун тафаккурни ҳар томонлама ўрганиш бу борада яхлит тасаввур шакллантириш имконини беради.

Демак, тафаккур атрофдаги олам объектлари ва ҳодисаларнинг хусусиятлари, мавжудлик қонуниятларини излашга қаратилган мураккаб психологик ва физиологик жараён бўлиб, инсон нуқтаи назари билан изчил ва узвий боғланган.

Тарихий тафаккур бағрикенгликни ривожлантиришга қаратилган гуманистик, маданий-тарихий, миллий диний қадриятларни сақлаш ва етказишни ўз ичига олади ҳамда талабаларнинг билим асосларини яратиш орқали ўқитувчиларнинг самарали фаолияти учун муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Тарихий онг, тарихий тафаккур ҳақидаги қарашлар узоқ ўтмишдан бошлаб шаклланганлиги барчага маълумдир. Буюк Шарқ алломаларининг ўз тарихига оид дунёга машҳур асарлар яратганлар. Улардан ўрганиш, улардан таълим жараёнида мақсадли фойдаланиш тарихий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Албатта, тарихий воқеа ва ҳодисалар авлодлар томонидан ўзига хос равишда талқин этилади. Фикримизни асослаш учун буюк аллома Абу Наср Фаробийнинг қуйидаги фикрини келтириш жоиз: “Ҳар қандай халқнинг ёки шаҳар аҳолисининг атроф-муҳит, борлиқ, ундаги воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги кенг тарқалган тасаввурлар ҳам маълум даражада фарқланади, чунки уларнинг ҳар бири воқеа ва ҳодисаларнинг ўзига хос равишда идрок этади ва онгида акс эттиради” [3. Б. 222]. Буюк алломанинг ушбу фикри асосида ҳар қандай халқнинг тарихий хотираси фақат ўзига хослиги ҳамда умумбашарий қадриятлар билан боғлиқлиги ҳақида хулоса қилиши мумкин.

Олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув жараёнида, жумладан, бўлажак ўқитувчиларнинг тайёрлашда дидактик ўйинлар имкониятларидан самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Дидактик ўйиннинг ютуқ ва афзалликларидан бири унинг мослашувчанлиги ва ундан синфда ҳам, дарсдан ташқари таълим шаклларида ҳам фойдаланиш мумкинлигидир. Биринчи ҳолда, педагогик жараённинг қуйидаги алгоритмига риоя қилиш керак:

- ўйин вазифасида ифодаланган мақсадни аниқ қўйиш;
- барча иштирокчилар учун мажбурий бўлган ўйин қоидаларини эълон қилиш;
- ўқув материалидан дарс мақсадига эришиш воситаси сифатида фойдаланиш, масалан, иштирокчилар гуруҳлари ўртасидаги мусобақалар шаклида;
- кутилган натижага эришишгача бўлган ўйин ҳаракатларини лойиҳалаш.

Бўлажак ўқитувчиларда дидактик таъминот воситасида тарихий тафаккурни ривожлантириш ўқув жараёнига кенг кўламли бадиий адабиётни жалб қилишни назарда тутади. Ушбу ўқув воситалари талабаларда қуйидаги компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган: мутолаа, тадқиқот, дидактик, сиёсатшуносликка оид, акмеологик, коммуникатив, лойиҳавий, ватанпарварлик. Фикримизча, касбий тайёрлашнинг олий таълим босқичида тарихий тафаккурнинг бўлажак педагог учун зарур бўлган назарий ва методик ҳамда амалий йўналтирилган асосларини шакллантиришга алоҳида қаратиш лозим. Зеро, улар тарихий тафаккурни идрок этиш ва ривожлантиришнинг муҳим асосини ташкил этади.

Профессор Б.Ходжаевнинг фикрича, “тарихий тафаккур инсоннинг моҳиятини, тарихий мавжудлигини сифатида унинг дунёсининг ифодаловчи тушунчадир. Дарҳақиқат, инсон ўзининг ижтимоий табиатига кўра фақат объектив борлиқ бўлибгина қолмай, катта маънавий-маърифий ўлчовлар орқали тарихий давомийлик ва тарихий ворислик, келажак учун масъул қадрият ҳам ҳисобланади. Фақатгина тарихий тафаккур орқали одамлар ўтмиш ва келажак ўртасидаги боғловчи вазифасини бажариши мумкин. Бу ижтимоий борлиқ ўзини жамият ривожланиши билан бевосита боғлиқ ҳодиса сифатида намоён қилади” [4. Б. 112].

Жаҳон ижтимоий тараққиётининг бугунги босқичида тарихни, ўтмишда юз берган воқеа-ҳодисаларни билиш, англаш, уларга холисона баҳо бериш муаммоси доим долзарб бўлиб келган. Айниқса, бугунги кунда, улкан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар юз бераётган глобаллашув, қутблашув жараёнлари авж олаётган бир даврда, тарихни англаш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини аниқлаб олиш кўпгина халқлар учун ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳаётнинг инсоният олдига қўяётган кескин саволларга жавобни инсон жамиятлар тарихи, ўтмишдан излаши бежиз эмас. Мазкур воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш бизга бугунги кун муаммолари хусусида тўғри фикр юритиш, уларга объектив ёндашиш, келажакда ўтмиш хатоларини такрорланмасликка ёрдам беради.

Дунё илм-фанида тарихий тафаккурнинг моҳияти ва табиати, унинг глобал хусусиятга эга бўлган ўзгариш жараёнлари бўйича кенг қамровли илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, анъаналарни сақлаб қолиш, уларни келажак авлодга етказиш йўллари ва авлодлар давомийлигини таъминлаш, ёшларда тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг фундаментал асосларини ишлаб чиқиш, тарихий хотирани тиклаш масалалари илмий муассасаларнинг асосий тадқиқот йўналишига айланди. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнида бу воқеалар ўтмишда юз берган, яъни кекса авлод бошидан кечирган ҳодисалардан тубдан фарқ қилиб, ёш авлодни тарихга мурожаат қилишга, таққослашга, ундан қандайдир хулосалар чиқаришга, сабоқлар олишга ундайди.


Таълимда бўлажак ўқитувчиларнинг тарихий тафаккурини шакллантиришда айнан ўйин тарзида моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий дидактик таъминот воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиришнинг услубий ёндашувлар, психологик-педагогик шарт-шароитлари ва тарихий тафаккурни шакллантириш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда *форсайт технологиясид*ан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Форсайт технологияси. Форсайт – бу қабул қилинган қарорлар сифатини ошириш ва ҳамкорликдаги ҳаракатларни тезлаштиришга қаратилган келажакка қарашни шакллантиришнинг тизимли, ҳамкорликдаги жараёни.

Ушбу машқ талабаларни ўтмиш ҳаётини таҳлил қилиб, бугуни ва келажаги тўғрисида ўйлашга, келажакни тасаввур қилиш ва режалаштиришга имкон беради.

Талабаларга ўтмишдаги ҳаётини, ҳозирги куни ва келажагини қуйидаги чизма асосида тасвирлашлари сўралди. Улар ўз эътиборларини кўпроқ “Истакдаги келажак” катакларига қаратди ва деярли ҳаммалари орзусидаги келажакни катта ижодкорлик билан тасвирлаган. Биз уларга “Истакдаги келажак”ка эришиш учун шундай мотив бердик: “Бир вақтлар ҳозир ҳаммангизни қўлингизда турган, исталган сотув растасидан сотиб олишингиз мумкин бўлган ручка ҳам инсоният учун орзу бўлган, чўнтагингиздаги телефонни ихтиро қилиш ҳатто инсон зотининг хаёлига келмаган, лекин инсон тафаккури, унинг ижодий тасаввури жуда улкан эканки, кўз кўриб – қулоқ эшитмаган нарсаларни яратишга қодир экан. Бунинг учун ўз устида изланиши, бор креативлик сифатларини янада ривожлантириши кифоя қиларкан. Сизлар ҳам мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланинг. Ўзингизни кашф этинг!”

1-жадвал



1. Талабаларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиришда қуйидаги муаммоли вазиятлардан фойдаланилди:

Амалий тадқиқот жараёнида талабалардан таълим муассасаларининг китоб мутолааси билан шуғулланиш хоналари бор-йўқлиги, муассаса кутубхоналари ва ахборот-ресурс марказларининг тарихий адабиётлар билан таъминланганлик даражасига оид бир қатор саволларга жавоблар олинганда улардан бор-йўғи 37 % и ижобий жавоб бўлиб чиқди, холос. Наманган давлат университетининг тарих йўналиши талабалари ўртасида ўтказилган сўров-анкета саволларида юқори курс талабаларининг 72 % и тарихий-бадиий мавзудаги адабиётларни ёшлар тарихий онгини мустаҳкамлашдаги асосий воситалардан бири, деб ҳисоблашлари маълум бўлди. 55 % респондент эса шу мавзуларга оид интернет сайтларини кўпайтириш кераклигини таъкидлашган.

Тадқиқот жараёнида талабаларнинг тарихий тафаккурининг ривожлантиришга амалий ёрдам берувчи воситалар, миллий урф-одат ва маросимлар, анъаналар, миллий халқ ўйинларига бўлган муносабатларини ҳам ўргандик. Респондентларнинг 9 % и миллий урф-одат ва маросимларнинг жамият тараққиётига хизмат қилишини қайд этган, яна 9 % и миллий урф-одат ва маросимларни замонга мослаб бориш керак, деб ҳисоблайди, 11 % и миллий урф-одат ва маросимлар ҳозирда ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда деган фикрда, 33 % респондент миллий урф-одат ва маросимларнинг ўз аҳамиятини йўқотмаслиги учун уларни болаликданоқ сингдириб сақлаб қолишни зарурлигини, 38 % и миллий урф-одатларимиз билан фахрланаман ва уни умуминсоний анъаналарга айлантириш зарур, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижаларига кўра 88 % ота-она фарзандларига ўз аждодлари ҳақида гапириб беришар экан.

“Ўтмиш аждодларимиздан мардлик, жасорат рамзи сифатида кимларни кўрсатган бўлар эдингиз?” сўров-анкетасига респондентларнинг 6,5 % и – “Собир Раҳимов, Тўйчи Эрйигитов, Мамадали Топиболдиев”, 3,8 % и – “Озод Шарафиддинов, Зулфия, Ойдустбий”, 7,6 % и – “Усмон Носир, Пўлатхон, дукчи Эшон, Файзулла Хўжаев, Чўлпон”, 21,4 % и – “Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Абдулла Қодирий” 7,1% и – “Шерғозихон, Пўлатхон, дукчи Эшон, Намоз Пиримқулов, Қурбонжон додхоҳ”, 93,8 % и – “Амир Темур, Ислом Каримов, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик” деб жавоб беришган. Ҳозирги глобаллашув жараёнларини таъсири остида ёшлар тарихий тафаккурининг ривожланиши ҳамда шаклланишининг салбий томонга ўзгарганлигини биз ушбу сўров-анкетасига берилган жавоблар орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Респондентлар ҳамма учун маълум ва машҳур бўлган шахсларни билган ҳолда, миллий тарихимизда муҳим ўрин тутган миллат ва давлатчилигимиз тарихида улкан хизматлар қилган шахслар ҳақидаги билимлари, улар ҳақидаги тасаввурлари пастлигини кўрсатди. Агар ушбу жараённи олди олинмаса, яқин келажак авлод ўз тарихий аждодлари ҳақидаги билимларидан бутунлай маҳрум бўлади.

Шахс тарихий онги ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг, маданият ва санъатнинг роли беқиёс эканлиги илмий адабиётларда қайд этилган. Ҳозирги глобаллашув даврида улар ҳар бир инсон, миллат ёки бутун бошли халқларнинг тарихий онги ва дунёқарашига катта таъсир ўтказмоқда. Буни биз турли телеканалларда намойиш этилаёт-

ган фильмларнинг ёшларга таъсиридан ҳам кўришимиз мумкин. Сўров-анкета иштирокчиларга берилган “Миллий телеканалларимизда намойиш этилган ёки этилаётган фильм қаҳрамонларидан қайсилари ёдингизда қолган?” анкета саволига респондентларнинг 9,6 % и – “Жумонг, Пўлат, Аржун, Кришна, Сагар, Исо Масиҳ, Косем”, 15,5 % и – “Чаплин, Неш, гладиаторлар, қирол Артур, Мерлин, Косем”, 20,8 % и – “Улуғбек, Алпомиш, Цезар, Ибн Сино, Викинглар, Максимус”, 22 % и – “Косем, Жумонг, Ошин, Жек, Ганди, Робин Гуд”, 68,4 % и – “Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Улуғбек, Навоий, Бобур” деб жавоб қайтаришди.

2-жадвал

Миллий телеканалларда намойиш этилган ёки этилаётган тарихий фильм қаҳрамонларининг ёшлар хотирасида сақланиб қолиши

Миллий телеканалларда намойиш этилган ёки этилаётган тарихий фильмлар қаҳрамонларидан қайсилари ёдингизда қолган?	**Ўғил болалар**		**Қиз болалар**	
Косем, Жумонг, Ошин, Жек, Ганди, Робин Гуд	90	7,5%	174	14,5%
Амир Темур, Жалолиддин, Улуғбек, Навоий, Бобур	357	29,8%	463	38,6%
Улуғбек, Алпомиш, Цезар, Ибн Сино, Викинглар, Максимус	143	11,9%	107	8,9%
Жумонг, Пўлат, Аржун, Кришна, Сагар, Исо Масиҳ, Косем	49	4,1%	54	4,5%
Чаплин, Неш, Гладиаторлар, қирол Артур, Мерлин, Косем	90	7,5%	96	8,0%

Ушбу сўров жавобларидан шуни англаса бўладики, ёшларимиз миллий тарихий қаҳрамонларимиз ҳақида берилаётган бадиий, маърифий, ҳужжатли фильмларни хотираларида яхши сақланиб қолган. Бундан ташқари респондентлар билан суҳбат жараёнида бадиий-оммабоп фильмлар ёшлар тарихий тафаккурини ривожлантирувчи муҳим воситалардан бири эканлиги англашимиз мумкин.

Ўзбек киноси бугунги кунда асосан мелодрама, комедия, ишқий-саргузашт каби арзон, кассабоп фильмлар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолган. Ҳозирда Ўзбекистон телеканалларида намойиш этилган ёки этилаётган хорижий мамлакатларнинг ўнлаб тарихий сериаллари, уларнинг миллий тарихларига бўлган муносабатлари нақадар баланд эканлигини кўрсатмоқда.

Қолаверса, ушбу фильмлар бошқа миллат вакиллари орасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бундай тарғиботлар кишилар тарихий дунёқарашига таъсир этиб, уларнинг тарихий тафаккурини ўзгартириб юбормоқда. Бунинг ёрқин далилини биз ўтказган социологик тадқиқот натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Ўқувчиларнинг 68,4 % и тарихий аждодларимиз ҳақидаги бадиий, маърифий, ҳужжатли фильмларни томоша қилиш орқали ёдда сақлаб қолган.

Ушбу сўров жавобларидан шуни англаса бўладики, бугунги кунда ўқувчи ёшларимиз нафақат миллий тарихий қаҳрамонларни, балки жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган тарихий ёки афсонавий шахслар ҳақидаги маълумотларни билиш даражалари яхши эмас.

Ўзбекистонда ўқувчилар тарихий онгининг янгиланиши ва ривожланиши тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

- Кишининг юксак маънавият соҳиби бўлиши унинг тарихий тафаккури даражасига, тарихий хотирасининг бой ва теранлигига бевосита боғлиқдир. Фарзандларимизда тарихий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш ҳар бир ота-онанинг, устоз-мураббийларнинг, зиёлиларнинг муқаддас бурчи, давлатнинг эса стратегик вазифасидир.

- Глобал мафкуравий таҳдидлар кучайган ҳозирги даврда кишиларда, айниқса, ёшларда тарихий онг ва тарихий тафаккурни шакллантириб ва муттасил ривожлантириб борилса, бегона мафкура ва ғоялар улар онгига йўл тополмайди. Тарихий тафаккурни шакллантириш тараққиётда ворисийлик принципини билишни, назарий ва амалий фаолиятда ундан фойдаланишни талаб этади.

- Мустақилликнинг дастлабки йилларида шўролар ҳокимиятининг ҳам синфий, ҳам миллий сиёсати оқибатида бирёқлама шаклланган тарихий онгга путур етди. Жамиятдаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли тарихга ўтмишдаги воқеа ва ҳодисаларга баҳо бериш инқилобий тарзда ўзгарди. Ушбу реаллик негизида Ўзбекистон ёшларининг тарихий тасаввур ва онги шаклланди. Мустақиллик даврида миллий урф-одат ва қадриятларнинг тикланиши, халқимизнинг неча асрлар мобайнида бунёд этилган, лекин коммунистик мафкуранинг тазйиқи остида унутилган, оёқости қилинган қадамжолар, тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар қайтадан таъмирланиши, эътибор марказига айланиши, буюк аждодларимизнинг муборак номлари яна улуғланиши одамларда тарихга янгича муносабатни жонлантирди.

- бу умуммиллий оммавий тарихий тафаккур ҳолати фарзандларимизга, ўқувчи ёшларга ҳам ўтмасдан қолмади. Уларнинг тарихий тасаввурлари ва тарихий онгида кескин бурилиш, янгиланиш ҳосил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105 сон қарори Ватанимизнинг миллий давлатчилиги вужудга келиши, тараққий этишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

Тадқиқот давомида олий таълим талабалари учун “тарихий тафаккур” ва “тарихий баҳо” тушунчаларини таълим амалиётига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага келдик. Негаки, ёшлар айнан талабалик давридан мустақил ҳаётга қадам қўяди, нафақат таълим жараёнида, балки кундалик ҳолатларда ҳам ўз шахсий қарашларини устун деб билади. Бирор бир вазиятга, кутилмаган муаммолар жараёнида ўз шахсий фикрини, хоҳ у тўғри бўлсин, хоҳ нотўғри шахсий ечимини татбиқ этиш муҳим деб ҳисоблайди. Шу сабабли, бу даврда талабалар кутилмаган ҳар қандай вазиятларга нисбатан ўз шахсий ижодкорлигига, креативлигига эга бўлиши лозим. Биз олий таълим талабалари кўпроқ вақтини таълим муассасасида тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг тарихий тафаккурини ўқиш фаолияти жараёнида ривожлантириш самарали натижага олиб келади деб ҳисобладик. Шахсий-креатив компетенция ривожлантириш унинг жамиятда ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаришига таъсир қилиб, талабада маълум даврда шаклланган компетенцияларни ривожлантиришга қаратилганлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки талабада олий таълим муассасасига келгунга қадар маълум компетенциялар шаклланган бўлади. Танланган методика уларни ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бугунги кун жамиятимиз томонидан ёшларни, хусусан, олий таълим талабаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз иқтидорини, ижодини намоён этишлари, шахсий-креативлик сифатларини ривожлантиришлари учун бир қанча имкониятлар яратилган бўлиб, улар:

- давлат раҳбари томонидан олий таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, талабаларни билим, кўникма ва қобилиятларини рағбатлантиришга оид бир қанча қарор, фармонларнинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши;
- илм-фан, техника ва технологияларнинг ривожланиб, замон талаблари даражасида такомиллашиб бориши;
- аждодларимиз қолдирган манбалар ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятининг чексизлиги.

Шундай бўлишига қарамай олий таълим муассасасидаги таълим жараёнида билим даражаси юқори, ўрта, паст даражадаги талабалар мавжуд бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотимизда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган бир қанча ижтимоий муаммолар мавжудлигини аниқладик:

– талабаларнинг яшаш тарзининг бир хил эмаслиги (шаҳар-қишлоқ; зиёли-оддий оила каби);

– ўтмиш ҳаёти давомида етарлича билим, кўникмаларни эгалламаганлиги;

– фикр-мулоҳазалари, тафаккур юритиш қобилиятлари, ҳаётий қарашларидаги тафовутлар (содда, ўрта, юқори);

Талабалар субъектив сабабларга кўра қуйидаги хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

– турли вазиятларга нисбатан лоқайдлик;

– ўз шахсий фикрининг мавжуд эмаслиги ёки нотўғри ёки барқарор эмаслиги;

– ўз ўтмиш тажрибаларини таҳлил этган ҳолатда бугунги кун ва келажак учун аниқ мақсадни белгиламаганлиги;

Талабаларнинг шахсий-креатив компетенция ривожлантиришга таъсир қилувчи объектив сабаблар ҳам мавжуд:

– педагогнинг ўзида креатив сифатларнинг ривожланмаганлиги;

– педагогик фаолият учун етарлича касбий компетентликнинг (ижтимоий компетентлик, шахсий компетентлик, махсус компетентлик, технологик, экстремал компетентлик [8. Б. 6]) шаклланмаганлиги;

– талаба шахсини таълим жараёнининг субъекти сифатида кўра олмаслиги, унинг қарашларини эътиборсиз қолдириш;

– аудиторияда талабалар сонининг кўплиги ва улар билан алоҳида, махсус шуғулланиш учун вақтнинг етишмаслиги;

– ижодий топшириқларни, муаммоли масалларни берилиши ёки берилмаслиги;

– шахсий-креатив компетенция ривожлантирувчи манбанинг мавжуд эмаслиги.

Мақсадни қўйиш ва мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай объектив-субъектив сабаблар юзага келмасин, “ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир” [9. Б. 13]. Учинчи Ренессансни қуришда, албатта, шахсий-креатив компетенцияга эга ёшлар ва уларнинг амалий фаолияти зарур. Шу нуқтаи назардан талабаларнинг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантириш ижтимоий-педагогик жиҳатдан зарурият эканлигига ишонч ҳосил қилинди.

Хулоса

Таълимда бўлажак ўқитувчиларнинг тарихий тафаккурни замонавий дидактик таъминот асосида ривожлантириш жараёни ўзида ҳужжатлаштирилган тарихий фактлар ва уларнинг бадиий-тарихий асарларда акс эттирилишини таққослашга ўргатишни таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105 сон қарори [10. Б. 40] Ватанимизнинг миллий давлатчилиги вужудга келиши, тараққий этишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

Таққослаш натижасида талабалар таҳлилий фаолиятни амалга оширадилар ҳамда тарихий ҳодисани онгли равишда идрок этиш малакаларини шакллантирадилар. Замонавий дидактик таъминотлар билан ишлаш тарихий муаммоларни турли жиҳатлардан таҳлил қилиш имконини беради ва уни ҳал қилиш бўйича ўз қарашларини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/docs/4409503 (Мурожаат этилган сана: 02.08.21)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон тарихи соҳасидаги ил-

мий тадқиқотларни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2562-сон қарори. [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/docs/4409503 (Мурожаат этилган сана: 12.08.21)

3 *Фаробий Абу Наср*. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 222 б.

4. *Ходжаев Б.* Развитие исторического мышления у студентов образовательных школ. – Латвия: LAB LAMBET Akademik Publishing, 2018. – 112 с.

5. *Рюзен Й*. Утрачивая последовательность истории // Диалог современем // Альманах интеллектуальной истории. – Москва, 2001. Вып. 7. – Б. 8–27.

6. *Хантингтон С*. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности. – Москва: ООО «Издательство АСТ»: ООО «Транзиткнига», 2004. – 635 с.

7. *Арон Р.* Измерения исторического сознания. – Москва: «URSS», 2014. –196 с.

8. *Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А*. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Тошкент: Сано стандарт, 2015. – 120 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 25 январь.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 июндаги ПК-3105-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2017. – № 26. – Б. 40.

DEVELOPMENT OF HISTORICAL THINKING OF FUTURE TEACHERS WITH THE HELP OF MODERN DIDACTIC SUPPORT

A.A. Abdullaeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Pedagogical Research. 2022. 6(66). 89–97.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *historical thinking, historical memory, initiative, leadership, creative and innovative thinking, globalization.*

This article is dedicated to the problems of developing a new way of thinking of young people to think historically, to understand the meaning of today's life more deeply, to learn to draw correct conclusions from the mistakes of history, and also to develop pedagogical aspects in the process of education. In modern conditions, the development of geopolitical processes, the intensification of ideological struggles for the human mind and soul is based on the fact that the development of historical thinking for the growing generation as a means of confronting them is gaining new importance and becoming a scientific problem.

Higher education institutions have opportunities to effectively use the possibilities of didactic games in the modern educational process, including in the training of future teachers. One of the advantages and advantages of the didactic game is its flexibility and can be used both in the classroom and in extracurricular forms of education.

Comprehensive scientific-theoretical studies are being conducted in world science to study the essence and nature of historical thinking, its global change processes. In particular, issues of preserving traditions, ways of passing them on to the next generation and ensuring the continuity of generations, developing the fundamental foundations of developing historical thinking in young people, and restoring historical memory have become the main research directions of scientific institutions. After all, in today's globalization process, these events are fundamentally different from the events that happened in the past, that is, the events experienced by the older generation, and encourage the younger generation to turn to history, compare, draw some conclusions from it, and learn lessons. Because, at the current stage of social development, creating a future based on new innovations in the historical thinking of young people is of scientific and theoretical importance. The development of historical thinking in future teachers by means of didactic support implies the involvement of a wide range of fiction in the educational process. These educational tools are aimed at forming the following competencies in students: reading, research, didactic, political science, acmeological, communicative, project, patriotism. In our opinion, at the higher education stage of professional training, special attention should be paid to the formation of the theoretical, methodical and practical foundations of historical thinking necessary for the future pedagogue. We believed that the development of students' historical thinking in the pro-

cess of study activity would lead to an effective result, taking into account the fact that higher education students spend more time in an educational institution. Working with modern didactic resources allows to analyze historical problems from different aspects and contributes to the formation of one's views on its solution.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi PF-5847-sonli “O‘zbekiston Respub-likasi oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi farmoni. (2019) [On approval of the concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030"]. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/4409503 (Date of Access: 02.08.21)

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 18 iyuldagi “O‘zbekiston tarixi sohasidagi ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi PQ-2562-son qarori [On measures to further improve the system of organizing scientific research in the field of history of Uzbekistan]. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/4409503 (Date of Access: 12.08.21)

3. Farobiy, A.N. (1993) Fozil odamlar shahri [The city of virtuous people]. Tashkent: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti.

4. Hodzhaev, B. (2018) Razvititie istoricheskogo myshleniya u studentov obrazovatel'nych shkol [Develop historical thinking among students of educational schools]. Latviya: LAB LAMBET Akademik Publishinghing.

5. Ryuzen, Y. (2001) Utrachivaya posledovatel'nost' istorii [Losing the continuity of history]. Dialog sovremenem. Al'manah intellektual'noj istorii. [Dialogue with time. Intellectual History Peview]. Moscow. Vol.7. Pp. 8-27.

6. Huntington, S. (2004) *Kto my?: Vyzovy amerikanskoj nacional'noj identichnosti* [Who Are We?: Challenges to American National Identity]. Moscow: OOO “Izdatel'stvo AST”: OOO “Tranzitkniga”.

7. Aron, R. (2014) *Izmereniya istoricheskogo soznaniya* [Dimensions of historical consciousness]. Moskva: “URSS”.

8. Muslimov, N., Usmonboeva, M. (et.al.) (2015) *Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari* [Foundations of pedagogical competence and creativity]. Tashkent: “Sano Standard”.

9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2020) [President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev's appeal to the Oliy Majlis]. Yangi O‘zbekiston. January 25.

10. (2017) O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi huzurida O‘zbekistonning eng yangi tarixi bo‘yicha Jamoatchilik kengashi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi 2017 yil 30 iyundagi PK-3105-sonli qarori. [President of the Republic of Uzbekistan “On the organization of the Public Council on the latest history of Uzbekistan under the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan”]. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlar to‘plami. Tashkent. No 26. P. 40.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АБДУЛЛАЕВА Арофатхон Абдувахобовна – Андижон давлат университети Умумий педагогика кафедраси таянч докторанти. E-mail: abdullayeva_adu@umail.uz